

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Ўзбекистон - Ватаним маним

Така тоғ қаттиқ ранжиб кичик укасини бахилликда айблаб дуоибанд қилибди: "Илоҳим, сен бахил бўлиб қолгин, сеннинг бахил бағринда дов-дарахт, ўт-ўланлар ўсмасин, сендан сув ҳам чиқмасин. Бағриндан ҳеч қандай бирон бойлик топиб ҳам олмасин".

Ривоятни ёдга олган Ширинкул ака ўзи билан ўзи сўзлаша кетди. "Шу ростми, а-а, рост-ов. Бўлмаса нега Окотнинг бошқа тизмаларида дов-дарахт кўп, сой-сой сувлар оқади-ю, Бахилда йўқ. Шу битта Зангиота булогининг суви оқиб туради. Униям Зангибобо дуо қилиб, топиб булок кўзини очган дейишади. Бойлиги ҳам йўқ, мана ўттиз беш-қирқ йил шу Бахилтогда кўй боқади, унинг ота-боболари ҳам шу ерда яшаб ўтишган. Аммо бирон бойлик топилиб, қон очилиб, шаҳарчалар қурилмади. Тўғри, йигирманчи

лут ичида эди. Бу ҳолат Нурота - Самарқанд катта асфальт йўлидан жуда ваҳималироқ кўриниш бериб турарди.

Мен чўқурга тушиб, ҳали ҳам буғ чиқиб турган қатталиги печанинг қарнайиди келадиган тешик устига кафтимни тутдим. Буғ илқиб бўлиб, ундан палагда тухум хиди келарди. Ажабланарлиси, буғ меннинг кафтимни бир юқорига кўтариб юборар, бир паства туртар эди. Миямаг келган биринчи фикр шу бўлдики, оёғимиз остидаги оқ мрамор (Нурота мрамори қатлами) ёки унинг остида ётган ҳар хил рангдаги Фозгон мрамори қатламларининг бирида катта гор, яъни фан тилида қарс деб аталувчи бўлиб бўлиб, бу қарсда иссиқ сув бор, бу сув гор (қарс)ни тўлдириб турибди. Буғнинг ўқтин-ўқтин чиқиши сувнинг чай-

БАХИЛТОГ ҲАЗИНАСИ

асрининг ўттизичи йилларида Зангиота сойининг нариги ошувида - Резаксой, Тошқудуқларда темир қазиб олишган, аммо оз бўлса керак, шундайгина ташлаб кетишган. Ёки Бахилтоғнинг бахиллиги тўтиб бойлигини яширганмикин-а..."

Хаёли билан бўлиб шериги Райимкул ақанинг келиб қолганини ҳам билмади.

- Бутун қишлоққа ваҳима, бу бутун тоғни босиб кетганидан ҳамма хавотирда, - сўради ховлиқиб. - Қани айт-чи, нима бўлди, нимани кўрдинг? Гумбирлаган овозни сахарда кўпчилик Хайрободда ҳам, Оққўлда ҳам эшитди. Ширинкул ака кўрган-билганини айтиб бериб, унинг рухсати билан қишлоққа қайтди.

Кийим-бошларини алмаштириб, Нуротага келганида бу ерда ҳам "ғалати тутун" ҳақида эшитганликлари маълум бўлди. Энди Бахилтоққа жўнаш таррадудини кўриб туришган экан, "Воқеани йўлда гапириб берасиз" деб, УАЗ автомашинасига уни ҳам миндириб олишди. Улар Элмурод қорадан Бахилтоққа бурилганда кеч кузунинг бир тутун куну уфққа эна бошлаганиди. Буғ чиқиши ҳали ҳам эрталабгидек авжда эди. Шу ўтган 6-7 соат давомида буғ булути Зангиота сойидан ўтиб Резаксойга етиб қолганди.

Орадан бир-икки кун ўтган бу воқеадан мен ҳам хабар топиб қишлоққа келдим. Эртаси кун Ширинкул ака ва икки дўстимни олиб Курткасойга жўнадик. Дарҳақиқат, Анбаронасойдан Резаксойгача оппоқ буғ (Боши ўтган сонда)

қалиб турганлигидан, ҳали ҳам нотинчлигидан далолат берар эди. Шундан сўнг мен яқин тош остидаги қозон шаклида ҳосил бўлган ўйилмини диққат билан кўздан кечирдим.

Маълум бўлдики, буғ жуда катта босим остида "милтиқ стволдани чикқан ўқ" мисол тевлиқда куч билан ясситошга урилган. Лекин ясситош анча оғир бўлгани учун уни қўзғата олмаган. Натижада ҳамм жихатидан энгилроқ бўлган икки ярим-уч кублик тошни улоқтириб юборган.

Шу кун Анбаронасойдан Нуротагача буғ чиққан яна еттига жойни бориб кўрдик. Ҳали илқиб буғ қатламлар турли даражадаги ёриқлардан ва тулки ёки жайралар макон топан уялардан ўқтин-ўқтин чиқиб турарди. Асосий манба Курткасой тагида жойлашгани, қолган нуқталар Курткасой гориди жарайнинг меваси эканлиги шундай ҳам аён эди.

Қишлоққа қайтиб, отам билан (Аллоҳ раҳмат қилсин) бўлган суҳбатдан сўнг юз берган воқеа моҳияти янада тиниклашди.

- 1915-1916 йилларда мен 11 ёшларда эдим, - дея ҳикоя қилганида ўшанда отам. - Биз ҳар йилгидек қўйларимизни қўзила-тиш учун Курткасойга март-май ойлари кўчиб чиқар эдик. Апрель ойларида Курткасой этагидидаги бизлар ўтирадик жойда, биз сув ичидагидан қудуқдан иссиқ буғ чиқиб кетиб, ҳаммамиз кўчиб кетган эдик.

Ж. ЙЎЛДОВШЕВ,
геолог
(Давоми бор)

Турфа олам ЗАҲАР ПУРКОВЧИ ҚУРТ

Калифорния университетининг хашаротшунно олимлари Ж.Жонсон ва К.Хаген капалаклардан бир турининг ҳаёт тарзини икки йил мунтазам ўрганишди. Буни қараганки, капалак чиринган дарахт қавагидаги қирчумолиларнинг уясига тухум кўяр экан. Уя эгалари бўлиши қирчумолилар капалак қуртидан бир неча барабар катта бўлса-да, лекин унга ҳужум қилмайди.

Тук билан қолганга капалак қурти орқа оёқларини ҳар гал силтаганидан кейин қирчумолилар дарҳол фалажланган қишлоқнинг тадқиқотчилар бир неча бор кузатишган. Кўпинча, капалак қурти қирчумолини паққос туширади, баъзи ҳолларда фалажланган қирчумолилар кўп ўтмай ҳалок бўлади. Капалак қуртининг бу ўткир қурол аслида «агрессив алломон» деб аталмиш газсимон захарли кимёвий модда экан. Бу захарнинг

кучи шу қадар зўрки, бир донка капалак қурти бир йўла олтигагача қирчумолини «ер тишлаши» мумкин. «Агрессив алломон»нинг таъсири анча узоқ давом этади: капалак қурти гойиб бўлишига қарамай, бу газ яна бирмунча вақт ўз таъсир доирасидаги қирчумолиларни қарахт ҳолда ушлаб туради.

Қизғин шундаки, бу газ бошқа хашаротлар, чунони, паша ва ари қуртларига мутлақо зарар etkazмайди. Бу хусусиятининг амалий аҳамияти катта. Чунки «агрессив алломон»ни ажратиб олиб, унинг кимёвий таркибини аниқлаш имкони туғилгудек бўлса, Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатлар ҳужа-қирғума қанчадан-қанча зиён etkazаятган қирчумолиларга ҳудуди шу газ ёрдамида қирон келтириш мумкин бўлади.

Наргиза СОЛИХОВА
тайёрлади

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўштиндингизми, ўқидингизми? БИРИНЧИ ЛИГА ҲАҚИДА

Ашаддий футбол мухлис-ларига яхши маълумки, миллий чемпионатимизнинг олий лига ўйинлари яқиндагина бошланди. Ҳўш, биринчи лигага қачон шарт берилади? Ҳўйинлар қай тартибда ўтказиларди?

Биринчи лига бахслари 12 апрелда бошланди. Янгилик шуки, кўйи лиганинг ўтказиш тартибиде аввалги мавсумга нисбатан ўзгариш бор. Яъни, бу йилдан бошлаб биринчи лига ҳам худди олий-дагидек бир гуруҳда ўтказилди, ўйинлар икки даврадан иборат бўлди. Лигада нечта жамоа қатнашиши масаласига эса, афсуски, ҳалигача аниқлик киритилмаган. Негаки, ҳозирда УФФ томонидан 22 та жамоага лига бахсларида қатнашишга рухсат берилган бўлса-да, «Локомотив-2», «Поп-фен», «Шўрчи» каби жамоалар муаммолар гирдобига тушиб қолишган. Шу боис бу жамоаларнинг биринчилиқда қатнашишдан қўра қатнашмаслиги эҳтимол кўпроқ.

Кубок ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

«Ўзбекистон кубоги-2005» ўйинларига қуръа ташланди. Унга қўра 35 та жамоа 14 та гуруҳга бўлинган ҳолда дастлабки бахсларга киришишади. Гуруҳ бахсларида ўтган йилги мусобақалар финалчилари - «Пахтакор» ва «Трактор» жамоалари қатнашмайди. Улар кейинги босқич учрашувларидан мусобақага қўшилишади.

Қуръага қўра 26 март кун давомида ўйинлар бўлиб ўтади. 31 март ва 5 апрел кунлари эса жавоб учрашувлари ўтказилади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан жамоа кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритади.



Ўйигит битта гапирди

— Агар бугун ҳам ичиб келсангиз уйга кириш йўқ! — дея шарт қўйди. Турсунбой ишга борар экан йўл-йўлакка ҳавлга толди. Бир хисобда хотини ҳақ, Ичкиликдан нима обрў топди, ахир? Неча бор юз-пешонаси шилиниб ғурра бўлиб, одамларга тик

Ҳаживия

қарай олмай юрди. Қайси кун эса янги олган костюминини кайф устида йўқотиб келди. Иш вақти тугагач Турсунбой йўлни атайин пана-пастақма қўядан солди. Барибир «шишадошлар» ўтирган жойдан чиқиб қолди.

— Кел, ошна, китдай-қитдай қила-миз, - дейишди улар одатдагидек. — Ҳеч иложим йўқ, — деди.



Жам табассум

Икки габроволик гаплаш-япти:

— Бир тангани йўқотиб қўйиб, ҳамма чўнтақларини қараб чиқдим - тополмадим. Фақат битта костюмим қолди қаралмаган.

— Унинг чўнтақларини ҳам қараб қўй.

— Қўрқаман. Агар унда ҳам бўлмаса-чи? Нақ юрагим ёрилиб кетади-я?

— Бир сайёҳ сувга чўкаётганда габроволик уни қутқариб қолди.

— Сизга раҳмат! — деди сайёҳ. — Миннатдорлигимни изҳор қилмоқ учун сизга ўн фунт стерлинг бермоқчиман. Аммо пулим яхлит йигирма фунтлик экан. Қайтишимга сизда ўн фунт топиладими?

— Ҳозир йўлни топамиз, - деди габроволик ва пулни чўнтагига солиб бўлгач, сайёҳни сувга итариб юборди. Кейин уни иккинчи марта қутқарди.

— Мана энди орамиз очиб бўлди.

Янги турмуш қурган келин-кўев Габроводин Ринга савҳатга келишипти ва меҳмонхонага жойлаштиришти. Меҳмонхона ходимлари шаҳарни айланиб томоша

Мунозара учун мавзу

1934-35 йиллар эди. Граммофон, патифон доғалари энди кириб келган пайтлар. Ҳушовоз хонандалар Халима Носирова, Тамарахоним, халқ сўйган ҳофизлар Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовларнинг қўшиқлари ёзилган пластинкалар талаш, баҳоси баланд, ҳамма ҳам кучи етиб харид қилолмайди. Эсимда, ўшанда дадам Халима Носированинг «Чоргоҳ» қўшиғи ёзилган пластинкани бир кўйининг пулига сотиб олгани. Уйимизда байрам бўлиб кетганда, ҳаммадан ҳам қўшиқ шайдоси меннинг қувончим чексиз, нон-ош емасам ҳам пластинкани қайта-қайта кўйиб ашула тинглайверсам, дердим.

Орадан йиллар ўтган бўлса-да, ўша пайтларда севиб тинглаган миллий мумтозу қўшиқларимиз ҳамон ёш қарининг қалбига олам-олам қувонч бағишлаб келмоқда. «Ушшоқ», «Согоҳ», «Чоргоҳ» сингари мақом қўшиқлари янгидан сайқал топиб, яна ҳам ёқимли оҳангларида янграмоқда. Айниқса, уларнинг ёш санъаткорлар ихросида мухлис-ларга тақдим этилаётгани қувонарли ҳол. Таъкидлаш керакки, мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қўшиқчилигимиз гуркираб ўсди. Янги-янги қўшиқлар яратилди, ҳушовоз, умидли ёшлар камол топди. Уларнинг интилиши, ҳўйиш қўйлаши қўшиқларини лол қолдирапти. Санъаткорларимиз хоржий юртларда бўлиб, ўз истеъдодларини намойиш этишяпти.

Тахририятда узоқ йиллик фаолиятим давомида эл ардоқлаган ҳофизлар - Коммуна Исмоилова, Ҳадя Юсупова, Турсунхон Жаъфарова, Ортик Отажонов каби танили санъаткорлар ҳақида очерклар ёздим. Ҳўша вақтларда улар ҳали унвонлар олишмагача бўлса ҳам халқнинг севили хонандалари эди. Ҳозирги кунда халқ артистлари, атоқли санъат арбобларидир. Албатта, бу маррага етишнинг ўзи бўлмаган. У пайтларда на микрофон, на қўшиқчи маромига етказиб берадиган компьютерлар бўлган. Шунга қарамай фидоий санъаткорлар изланиш, яратиш

Қўшиқ сехри сўз билан

машаққатини енгиб шу даражага етишган. Улар ижро этган ўлмас қўшиқлар олтин фонддан ўрин олган. Бу гапларни айтишдан мақсадим шуки, ҳозир юлдуздай чарақлаб чиқаётган ёш талантлар, умидли қўшиқларимиз устозлар изидан бориб санъат сирларини ўрганишсин, тинмай изланишсин, меҳнат қилишсин. Кишини ачинадиган бир гап - баъзида таланти бор, овози ҳам зўр ёш қўшиқчи ялт этиб кўринади, негадир биров вақт ўтиб йўқ бўлиб кетади. Шунинг учун қўшиқчиликка мутасадди кишилар ҳар бир ёш талантни авайлаб вояга етказишга жиддий эътибор беришларини истардик.

Радио орқали, телекўрсатувларда ижро этилаётган қўшиқлар ҳақида ҳам гоҳ мамнунлик, гоҳ эътирозли фикрларни айтиш мумкин. Ютугимиз ўзимизники. Шу ўринда камчиликлар ҳақида фикр юритсам, фойдадан ҳоли бўлмасди. Кўпчиликка яхши маълумки, «Сиз нима дейсиз?» руқни остида берилган телекўрсатувда ёш хонандаларнинг ижро этган қўшиқларини баҳолаш яхши анъанага айланди. Шундай кўрсатувларнинг бирида мулоҳазали фикр айтилди: «2005 йил бошида юзлаб қўшиқлар қўриқдан ўтказил-

ди. Афсуски, танловда ижро этилган қўшиқларнинг аксарият қисми тўйлар, базамлар учун яратилган. Ваҳоланки, мукамал қўшиқчи истардик». Бу эътирознинг ўзига гоҳ сабаблари бори-моқ. Бундоқ мулоҳаза юритсам, ҳозирги кунда тўйларда, ҳатто концерт залларида дейсизми, шўҳан қўшиқ ижро этилса бас,

ёшу қари рақсга тушиб кетади, заъб билан кўнглидаги губорларини тўкиб солади гўё. Мухлислардаги ана шу истак қўшиқчиларни айнан тўйдоқ, рақсдоқ қўшиқларга кўпроқ эътибор беришга туртки бўлмапти-микан?

Мукамал қўшиқ яратиш машаққатли меҳнатни талаб этади. Аввало муносиб шеър танлаш зарур. Негаки, қўшиқ сехри сўз билан, шеър қўшиқчи осмонга кўтарлади. Аммо, айрим ёшларимизнинг сўзга, қўшиқ матнига эътибор бермаётгани кишини ранжитади. Улар шеър қондасига мутлақо зид оддий сўзларни бир амаллаб қўйга солиб ашула деб айтишмоқдаки, бу кишининг гашига тегади. Ваҳоланки, мухлис қўшиқ оҳангидан қандай ором оласа, шеърнинг маъносидан, юракка бориб тегадиган сўздан ҳам шундай заъв олади.

Қўшиқчи, қўшиқлар кўпаяверсин, аммо санаоги эмас, сифати аъло бўлсин. Ёш хонандани энгил-елпи ижод қилишига йўл қўйиш уни санъатнинг катта йўлидан қалғитишдир...

Фарида УСМОНОВА,
хизмат кўрсатган маданият ходими

ЯҚКАТДА ЯНГИ МАЖМУА

Наврўз куну Ўзбекистон туманидаги Яқкатт қишлоғида «Ёшлик» янги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Халқ таълими вазирилик ҳўзурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамағармаси маблаг иҳосидан барпо этилган мажмуа мажмуада спортнинг ўнаб турлари билан мунтазам шуғулланиш имконияти мажмуа. Белбоғли кураш, теннис, футбол тўрақлари ўз ишини бошлаб юборди. Туман ҳокимлиги мажмуага беш миллион сўмлик спорт жиҳозлари тўхта этди.

(ЎЗА)

Бувимнинг ҳикоялари ҚИЗЛАРИ ҚАНДАЙ ТУРМУШГА БЕРИШГАН?

Биламизки, ўтмишда ва ҳатто ўтган XX асрининг бошларида ҳам қизларни жуда эрта турмушга бериб юборишган. Келинчалар кўп бўлгани кўёни фақат тўйдан кейин қўриганини эса айтмасча ҳам бўлади.

Қарангки, бундай қисмат корейс қизларининг бошига ҳам тушган. Ҳатто маънодош бир сўз тўфайли ота-она ўз қизини сўқир қишига турмушга бериб юборишганини ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келадиган ҳикоят ҳам бор.

Шундай қилиб, бир корейс оиласининг қизига совчилар келишибди. Улар қизнинг ота-онасига қўёнинг бўйлиги ва чиройини маромига келтириб мақтабди ва охирида биргина етишмовчилиги борлиги, қўёв сўқир («ўри силланан моляда») эканлигини айтибди. Корейс тилида «сўқир» сўзининг «узок» маъноси ҳам борлиги учун қизнинг ота-онаси қўёни қаердадир жуда узоқда яшайди деб тушунишган ва бунинг ҳеч қўриқинчи жойи йўқ, деб ўз розилиқларини беришган. Қўёнинг сўқирлигини эса фақат тўйдан кейингина билишган.

Бу эса ўн яшарлик қизчани қандай қилиб турмушга беришганини ҳақида. Қўёв билан келиннинг оиласи бошқа-бошқа қишлоқда яшаган. Ота-оналар қизча вояга етувчи қадар қўёнинг унда яшашини ва шундан кейингина тўй қилишга келишишган. Келинни қўёнигикига уза-тиш учрашув икки қишлоқ ўртасида бўлиб ўтиши

Телефонлар:

Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириди - 21.40

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюқ Турон» қўчаси, 41-уй.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Солиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net